**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ**
**2021/2022 ЎҚУВ ЙИЛИ 5- ЙИҒИЛИШИ**
**БАЁНИ**

**2021 йил 30 декабрь** **Бухоро шаҳри**
**Катта йиғинлар зали** **соат 13:00**

| | |
|---|---|
| **Раислик қилди:** | О.Х.Хамидов - кенгаш раиси, Бухоро давлат университети ректори, п.ф.д., проф. |
| **Иштирок этганлар:** | Н.Г.Дилова - кенгаш котиби, п.ф.ф.д.,(PhD) доц.<br>БухДУ кенгаши аъзолари умумий сони:74 нафар<br>Қатнашди: 71 нафар кенгаш аъзоси ва таклиф қилинганлар (рўйхат асосида) |

Бухоро давлат университети кенгашининг 2021-2022 ўқув йилининг 5-йиғилишини кенгаш раиси, университет ректори, и.ф.д., профессор О.Х. Хамидов очиб берди.

Олий Аттестация комиссияси қарори билан тасдиқланган илмий унвон ва илмий даража олган профессор-ўқитувчилар ҳамда турли танлов ғолиблари тақдирланди. Кенгаш аъзолари ва университет жамоасини Янги йил байрами билан табрикланди. Байрам муносабати билан университетда ташкил этилган тадбирлар, ва таътил давомида эҳтиёт чораларини кўриш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кенгаш раиси бугунги 4 - кенгаш йиғилишида 74 нафар кенгаш аъзосидан 71 нафари иштирок этаётганлигини, 3 нафар кенгаш аъзоси сабабли бугунги кенгашда иштирок этмаётганлигини маълум қилиб, йиғилишни очиш тўғрисидаги масалани кенгаш аъзолари ҳукмига ҳавола этди. Кенгаш аъзолари йиғилишни очиқ деб қабул қилишни бир овоздан маъқуллашди.

Шундан сўнг, кенгаш кун тартиби ўқиб эшиттирилди.

**РАИС**: ҳурматли Кенгаш аъзолари, бугунги йиғилиш кун тартиби сизга маълум.

## КУН ТАРТИБИ:

**I.Университет жамоаси билан амалга ошириладиган масалалар йўналиши бўйича:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ–60-сон, 24.12.2021й.) ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (ПҚ–61-сон, 24.12.2021 й.) қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳақида.

**2.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар ҳақида **<u>(Ректор О.Х. Хамидов)</u>**

**<u>II. Ўқув жараёни йўналиши бўйича:</u>**

**2.1.** Иқтисодиёт ва туризм факультетида ички баҳолаш натижалари ҳақида. (10 дақиқа)

**<u>(ТСНҚБ бошлиғи - М.Я.Эргашов, декан – Д.Ш.Явмутов ахбороти)</u>**

**2.2.** Ўқув услубий ишлар бўйича 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва 2022 йилдаги устивор вазифалар тўғрисида

**<u>(Ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаев ахбороти)</u>**

**III. <u>Илмий ишлар ва инновациялар йўналишлари бўйича:</u>**

**3.** Университетда 2021 йилда илмий тадқиқот ва инновациялар соҳасида эришилган натижалари тўғрисида

4. **(Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С.Қаҳҳоров ахбороти)**

**IV. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар йўналиши бўйича:**

**4**. 2021 йил давомида университетда амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар бўйича ахборот

**(Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.М. Кадиров ахбороти)**

**V. Халқаро ҳамкорлик бўйича:**

**5.** Қўшма таълим дастурларига қабулнинг натижалари ҳақида

**(Халқаро ҳамкорлик ва қўшма дастурлар бўлими)**

**VI. Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими**

**6.1.** 2022/2022 ўқув йили қабули бўйича таклифларни тайёрлаш, шунингдек, мутахассислик кафедраларида янги, бозор талабига мос таълим йўналишлари ва мутахассисликларни ташкил этиш тўғрисида (5 дақиқа)

**6.2.** Битирувчилар бандлиги мониторинги натижалари таҳлили, битирувчиларга доимий равишда илмий-амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, талаба ва ёшларни тадбиркорликка қизиқтириш ва ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қилинаётган амалий ишларга баҳо бериш, шунингдек, ишга жойлаша олмаган битирувчилар бўйича ўрганишлар натижалари тўғрисида

**(Факультет деканлари, Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими)**

**VII. Танловлар.**

**7.** Кафедра доценти, катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимларига танловлар тўғрисида

**VIII. Турли масалалар.**

**8.1.** Университетнинг педагог ходимлари томонидан тайёрланган дарслик ва ўқув қўлланмаларни вазирлик грифини олишга тавсия бериш тўғрисида.

**8.2.** Физика-математика факультети 2- курс ва 3- курс "Физика" ва "Математика" таълим йўналишларининг 2021-2022 ўқув йилидаги малакавий амалиётларини баҳорги жараёнлар бошланишида, 1 февралдан бошлаб ўташга рухсат бериш тўғрисида

**(Ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаев ахбороти)**

**8.3.** Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2018 йил 23 мартдаги 212-сон қарори (1-илова)сига мувофиқ университети Қоракўл академик лицейи битирувчиларининг Олий таълим муассасасига ўқишга кириш даражаси республикада 80% дан ортиқ бўлганлиги, ўқувчилар юқори натижа кўрсатган йўналишда дарс машғулотларини сифатли ташкил этганлиги учун академик лицей педагог кадрлари ойлик маошига устама иш ҳаққи тўлаш ҳақида

**8.4**. БухДУ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказининг 2022 ўқув йилидаги ОТМлари, академик лицейлар ва профессионал таълим тизими профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ҳамда педагогик ва касбий қайта тайёрлаш курслари ишчи ўқув режа ва ишчи дастурларини тасдиққа ва ўқув-услубий мажмуаларини чоп этишга тавсия этиш тўғрисида

**8.5.1.** "Олима аёллар гранти" дастурлари доирасида 2021-2023 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-2 рақамли "Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш" мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа якуний ҳисоботининг муҳокамаси тўғрисида

**8.5.2.** 2021-2022 йилларга мўлжалланган "Оила психологияси фанидан мултимедиа маҳсулотини яратиш" мавзусидаги инновацион лойиҳа якуний ҳисоботининг муҳокамаси тўғрисида

## КЕНГАШ РЕГЛАМАЕНТИ

**Ахборотлар учун 10 дақиқагача**
**Сўзга чиқувчилар учун.................................................................3 дақиқагача**
**Маълумотлар учун 3 дақиқагача**

**Ушбу кун тартиби ва регламенти хусусида таклифларингиз борми?**

**Овозлар**: тасдиқлансин.
**РАИС**: кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида таклиф бўлди. Уни овозга қўяман. Тарафдорлар. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ. Демак, кун тартиби тасдиқланди. Кун тартибидаги маслалар муҳокамасига ўтамиз.

## КУН ТАРТИБИ БЎЙИЧА МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА ЎТИЛДИ

**I. Университет жамоаси билан амалга ошириладиган масалалар йўналиши бўйича:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ–60-сон, 24.12.2021й.) ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (ПҚ–61-сон, 24.12.2021 й.) қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳақида.**

**ЭШИТИЛДИ:** О.Х. Хамидов (университет ректори, кенгаш раиси) Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтди.

Сизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш мақсадида:
1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига қуйидаги қўшимча ваколатларни берди:
**а) академик мустақиллик соҳасида:**
ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;
бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўқиш давомийлиги муддатларини белгилаш;
докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда қабул қилиш;
докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;
магистратура босқичида таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар, шу жумладан амалий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;
ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш;

олий таълим муассасаси ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш;

**б) ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида:**

фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлардан қатъи назар муассасанинг тузилмасини тасдиқлаш ва штат бирликлари сонини белгилаш;

меҳнат бозоридаги эҳтиёждан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш, амалдаги таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларни тугатиш;

педагог ва бошқа ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибни белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар олий таълим муассасалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ мустақил равишда амалга оширилади.

2. **Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги таклифларига розилик берилди:**

**а) Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик (идора)ларнинг қуйидаги ваколатларини таълим муассасаларига ўтказиш:**

чет эл фуқароларининг ўқишини хорижий олий таълим муассасаларидан республика давлат олий таълим муассасаларига кўчириш;

олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси ва масъул котибини, шунингдек, олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган имтиҳонлар бўйича қабул комиссияси раиси ва аъзолари, имтиҳонлар жадвали, имтиҳон олинадиган фанлар дастурлари ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш;

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг амалиётни ўташ тартибини тасдиқлаш ва уни ташкил этиш;

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ички тартиб қоидалари, жумладан таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талабларни белгилаш.

**б) Вазирлар Маҳкамасининг олий, ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасидаги қуйидаги ваколатларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) ўтказиш:**

олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқитиладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлаш;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқиш давомийлигининг энг кам муддатларини белгилаш;

кечки, сиртқи ва масофавий таълим шакли жорий этилмайдиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини белгилаш;

дарсликлар, ўқув ва илмий адабиётларни тайёрлаш, нашр этиш тартибини, шунингдек, уларни етказиб беришга ва улардан таълим ташкилотларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилаш;

таълим муассасаларига нисбатан моддий-техник, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилаш;

**в) илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур кенгашни тузган таълим муассасаси (илмий ташкилот)да фаолият юритувчи олимлардан иборат бўлиши ҳақидаги талабни бекор қилиш.**

3. 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида **васийлик кенгашлари тугатилиши** ҳамда таркибининг камида 70 % тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилиши белгиланди.

**Бундан ташқари навбатдаги**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ **ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА** ГИ ҚАРОРИ

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини **ривожлантириш мақсадида: 35 та ОТМ га** Молиявий мустақиллик берилди ва уларга **2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилди:**

таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш;

талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш;

профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш;

ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш;

хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш;

бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш;

автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаши ва ҳоказо .

**Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларида:**

асосий воситаларни ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи — Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми — электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин мазкур олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни (бундан ер, бино, иншоотлар, жумладан оператив бошқарувга берилган бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари мустасно) сотишдан тушган маблағлар тўлиғича ўз ихтиёрида қолдирилади;

молиявий назорат тадбирларини холисона ва мустақил ўтказадиган ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилади;

маблағларнинг сарфланиши юзасидан юқори турувчи вазирликка (идорага) ҳар чоракда белгиланган тартибда ҳисобот берилади;

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, харид қилинган товарлар ва хизматлар, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда тасарруфидаги маблағлар, моддий бойликлар ва мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги бошқа маълумотлар ўз расмий веб-сайтларига мунтазам жойлаштириб борилади;

маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва стипендия тўловларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга ошириш учун жавобгарлик тегишли олий таълим муассасаси раҳбари зиммасига юкланади.

**Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларида қуйидагилар кузатув кенгашларининг асосий ваколатлари белгилаб берилди**.

олий таълим муассасасининг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг юқори

ўринларидан жой олиш бўйича мақсадли чора-тадбирларни белгилаш ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

олий таълим муассасасининг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

таълим йўналишлари, мутахассисликлар ҳамда ихтисосликлар бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

олий таълим муассасаси олдига қўйилган вазифалар ижроси, мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича ректор ва проректорлар фаолиятини ўрганиш ҳамда ахборотини эшитиш;

олий таълим муассасасининг ички аудит ва молиявий назорат хизматига молиявий назорат ўтказиш учун қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисобот олиш;

олий таълим муассасасини ривожлантириш ва унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш;

илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларининг инновацион ва бошқа жамғармалар маблағларини сарфлаш тартиби ва йўналишларини мустақил белгилаш;

олий таълим муассасаси раҳбари ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқлаш;

олий таълим муассасаси ҳамда улар ҳузуридаги таълим ва илмий муассасаларнинг раҳбари ва ходимлари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, хорижий мутахассислар учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва самарадорлик мезонларига асосланган рағбатлантириш тартибини мустақил белгилаш;

олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан харажатларнинг тақсимланиш улушини мустақил белгилаш.

**Ахборот тизимига уланиш идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча давлат олий таълим муассасалари учун мажбурий эканлиги инобатга олинди**

**Қуйидагилар маълумот учун қабул қилиндин:**

давлат олий таълим муассасалари Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўлашдан озод этилганлиги;

молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига қонунчиликда олий таълим муассасалари учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши;

молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига ижтимоий солиқнинг 12 фоиз миқдордаги ставкаси қўлланилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 сентябрдаги «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6318-сон Фармони 3-бандида назарда тутилган божхона божидан озод қилиш бўйича имтиёз ўқув ҳамда илмий лаборатория жиҳозлари, махсус асбоб-ускуналар, ўқув, илмий-методик адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари, мультимедиа маҳсулотларини олиб кирувчи барча юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

1. Кенгаш раиси О.Х.Хамидовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ–60-сон, 24.12.2021й.) ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (ПҚ–61-сон, 24.12.2021 й.) қарорлари ва уларнинг ижросини таъминлаш ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорлар ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб барча проректорлар белгилансин.
3. Бир ҳафта муддатда ОАВда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини кенг ёритишга доир махсус медиа-режа ишлаб чиқилсин ҳамда унинг ижросини таъминласин.
4. Қарорлар ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш университет ректори О.Х.Хамидов зиммасига юклансин.
5. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2022 йил 1 июль ва 2023 йил 1 январга қадар ахборот берилсин.

**1.2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар ҳақида**

**ЭШИТИЛДИ:** О.Х. Хамидов (университет ректори, кенгаш раиси) Хабарингиз бор, 28 декабрь куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди, унда Олий таълим тизимида 2021 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлилий маълумотлар берилди. Бунда таълим жараёнини халқаро талабларга мослаштириш, рақамли университет лойиҳаси, илмий фаолиятни янада яхшилаш ва салоҳиятни ошириш, Олий таълим тизимида талаба ёшларни моддий қўллаб-қуватлаш, талабалар турар жойлари, тьюторлар фаолиятини жорий этилиши, давлат олий таълим муассасаларига академик, молиявий ва ташкилик бошқарувда мустақиллик бериш тўғрисида маълумотлар берилди.

Ушбу йиғилиш сарҳисоби бўйича берилган маълумотлар тизимда жойлаштирилган ва хар бир таълим муассасаси йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли йўналишлар бўйича белгиланган тизимли ишларни олиб бориши шартлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

1. Кенгаш раиси О.Х.Хамидовнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ушбу масалалар тегишли йўналишлар бўйича барча кафедра ва бўлимларда ўрганиб чиқилсин.
3. Мазкур қарорнинг ижро назорати Ўқув ишлари бўйича проректор в.б. Р.Ғ. Жумаев зиммасига юклатилсин.

**<u>II. Ўқув жараёни йўналиши бўйича:</u>**
**1.1. Иқтисодиёт ва туризм факультетида ички баҳолаш натижалари ҳақида.**

**ЭШИТИЛДИ: М.Я. Эргашов** (ТСНҚБ бошлиғи) кенгаш аъзоларига иқтисодиёт ва туризм факультети таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ички баҳолаш бўйича ҳисобот берди.

Бухоро давлат университети ректорининг 2021 йил 27 октябрдаги “Университет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ички баҳолашдан ўтказиш тўғрисида”ги 434-У-сонли буйруғига асосан қуйидаги таркибда ишчи гуруҳ (31 нафар таркибдан иборат) шакллантирилди.

**УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори** билан тасдиқланган “**Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида**”ги Низом ҳамда ушбу низомнинг 9-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган “Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари” (*Адлия вазирлиги томонидан 3214 – сон*

*билан 2020 йил 27 январда давлат рўйхатига олинган*) асосида Табиий фанлар ҳамда иқтисодиёт ва туризм факультетларида ички баҳолаш амалга оширилди.

2021-2022 ўқув йили Иқтисодиёт ва туризм факультетида жами 75 нафар профессор-ўқитувчи асосий штатда фаолият кўрсатмоқда. Улардан 3 нафари профессор, 14 нафари доцент илмий унвонига ва 10 нафари PhD илмий даражасига эга. Ташқи ўриндош сифатида 12 нафар профессор-ўқитувчи ўқув жараёнига жалб қилинган. Илмий салоҳият 36 %. Факультетда 3 та (иқтисодиёт, туризм ва меҳмонхона хўжалиги ҳамда сервис соҳаси иқтисодиёти) кафедралари фаолият кўрсатади. Шунингдек, 8 нафар тютор 1-3 курс талабаларига бириктирилган.

Факультетда 2023 нафар (366 нафар грант, 1657 нафар шартнома асосида) талабалар таҳсил олади. Шундан 1484 нафари ўғил, 539 нафари қиз болалардир. 17 нафар таянч докторант илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Факультетда ўқув жараёни 3 сменада 5 кунликда ташкил этилган бўлиб, 1- ва 3- курс талабалари I-сменада 768 (497+271) нафар, 2- ва 4-курс талабалари 626 (428+198) нафар II сменада , кечки таълим олувчи 1-2 ва 3-курс талабалари 320 (212+67+41) нафари III-сменада таҳсил олмоқда. Факультетда 10 та маъруза хонаси, 20 та ўқув хонаси ва 2 та компьютер зали мавжуд. Факультетда видеопроектор билан 7 та ва катта экранли телевизор билан 4 та ўқув хонаси жиҳозланган.

Факультет кафедралари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар сони, уларда таҳсил олаётган талабалар сони, таълим олиш шакллари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар рўйхати 1-2 иловаларда берилган ***(1-2-иловалар)***.

## ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ички баҳолашга жалб этилган иқтисодиёт ва туризм факультети таълим йўналишлари 5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва сохалар бўйича) таьлим йўналиши (1,2,3,4-босқич), 5610200-Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши (3,4-босқич талабалари), 5610300-Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таьлим йўналиши (3,4-босқич), 5610100-Хизматлар соҳаси (туризмни ташкил этиш ва бошқариш) таьлим йўналиши (3-босқич талабалари) Давлат таълим стандартлари, малака талаблари билан тўлиқ таъминланган. Давлат таълим стандартлари (ДТС) “Ўзстандарт” агентлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган, малака талаблари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) томонидан тасдиқланган.

Бакалавриат таълим йўналишларининг 1,2,3 ва 4-курс талабалари 2015 йилда тасдиқланган ДТС асосида таҳсил олмоқда (ОЎМТВ №303 2015 йил 21 август). 1-курс талабалари 2021 йилда (БухДУ № 1 20 21 йил 30 август), 2-курс талабалари 2020 йилда (ОЎМТВ № 418 2020 йил 14 август), 3-курс талабалари 2019 йилда (ОЎМТВ №892 2020 йил 4 октябрь ва ОЎМТВ № 744 2018 йил 25 август), 4-курс талабалари 2018 йилда (ОЎМТВ №744 2018 йил 25 август) тасдиқланган малака талаблари асосида ўқитилмоқда (***1-жадвал***).

ДТС ларга мос ҳолда намунавий ўқув режалари мавжуд ва ўрнатилган тартибда малака талаблар билан биргаликда 2019-2022 ўқув йиллари учун ОЎМТВ нинг тегишли буйруқлари билан тасдиқланган.

Университет Кенгаши қарори асосида ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган ишчи ўқув режалар мавжуд. Ишчи ўқув режалар намунавий ўқув режага мос келади, киритилган ўзгаришларда ҳафталик ўқув юкламалари сақланган. Жадвалларда қайд рақами кетма-кетликда очиб берилган. Ишчи ўқув режалари ва ишчи фан дастурларининг мавжудлиги ва университет Кенгаши томонидан тасдиқланганлиги жадвалларда кўрсатилган (***1, 2 - жадваллар***).

Факультетда 3 та магистратура мутахассислиги мавжуд:

5A610301 –Туризм фаолияти (фаолият турлари бўйича) 1-босқич магистратура (10+8 нафар)
5A610301 – Туризм (Зиёрат туризми) 1-босқич магистратура (3 нафар)
5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) 1-босқич магистратура (3+14 нафар)
5A230102 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) 2-босқич магистратура (18 нафар)
5A610301 –Туризм фаолияти (фаолият турлари бўйича) 2-босқич магистратура (19 нафар)
талаба қабул қилинган.

Университет таълим йўналишлари бўйича ўқув ва ишчи ўқув режаларда ҳар бир курс ва семестр учун белгиланган фанларга ажратилган соатлар, уларнинг ишчи ўқув режада белгиланган дарс соатларига мувофиқлиги, фанларнинг намунавий ва ишчи ўқув дастурларидаги мавзуларнинг ўзаро мослиги, календар-тематик режалар, дарс жадваллари, ўқув жараёни жадвали, ишчи ўқув дастурларига қўйилган талабларнинг бажарилиши, таҳлил қилинди ва уларнинг бир-бирига мутаносиблигини ўрганилди.

Факультетнинг Туризм ва меҳмонхона хўжалиги ҳамда Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраларида 2019 ва 2020 йилларда қабул қилинган бакалавриат ва магистратура мутахассисликларида баъзи умумкасбий фанларнинг фан дастурлари БухДУ илмий Кенгашида тасдиқланган.

Кафедраларда ишчи ўқув режалар (ИЎР) намунавий ўқув режалар асосида ишлабтузиб чиқилган ва БухДУ Илмий кенгашида 2019 й 27 августда, 2020 й 30 августда, 2021 й 30 августда тасдиқланган.

Ўқув ва ишчи ўқув режаларнинг ўзаро бир-бирларига мослиги ўрганилиб, улардаги фан номлари, соатлари ва машғулотлар турлари, ўтказиладиган семестрлар бўйича бир-бирига мос келишлиги ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, имзо ва муҳрлар қўйилган. Лекин 2019-2020 ва 2020-2021 - ўқув йиллари учун ишчи дастурлар ўрганилганда қуйидаги камчиликлар борлиги аниқланди:

- Макроиқтисодиёт ишчи фан дастуридаги адабиётлар рўйхати фан дастуридаги асосий адабиётлар руйхатига мос келмайди:
- АСМ Иқтисодиёти фаниинг намунавий дастурида келтирилган кириш кисми ишчи дастурда келтирилган кириш қисмига мутаносиб эмас.
- Чет тили фанидан намунавий фан дастурлари ва ишчи дастурлар мавжуд. Ишчи дастурнинг кириш ва адабиётлар кўрсатилган қисми эътиборсизлик билан нотўғри тўлдирилган.
- Фан дастуридаги адабиётлар рўйхати ишчи дастурда тўлиқ акс этмаган.
- Ишчи ўқув дастурларда талаба билимини аниқлаш учун тузилган рейтинг жадвали тартибсиз, улар турли кўриниш ва шаклларда учрайди, уларни тизимли равишда бир кўринишга келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.
- Календар-тематик режалар турли кўринишда, баъзан ишчи фан дастур ичида, баъзи фанлардан алоҳида календар-тематик режалар тайёрланган.
- Назорат олиш шакллари тўғри расмийлаширилмаган.Кафедра йиғилиши қарори билан факультет Илмий кенгашида муҳокама қилиниб тасдиқланиши лозим.
- Мутахассисликларнинг шифрлари ишчи дастурларда нотўғри қўйилган;

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар берилди.

Факультетдаги иқтисодиёт таълим йўналиши (11 та гуруҳ), туризм таълим йўналиши (14 та гуруҳ), маркетинг таълим йўналиши (4 та гуруҳ), меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши (13 та гуруҳ), статистика таълим йўналиши (2 та гуруҳ), бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналиши (4 та гуруҳ), логистика таълим йўналиши (4 та гуруҳ), агробизнес ва инвестицион фаолият таълим йўналиши (4 та гуруҳ), хизматлар соҳаси таълим йўналиши (4 та гуруҳ, жами 60 та академик гуруҳнинг) дарс жадваллари тузилган, тегишли тарзда ўқув ишлари бўйича проректор ва факультет декани томонидан тасдиқланган.

Ишчи гуруҳ томонидан талабаларнинг дарс машғулотларига давомати ўрганилди. 2021 йил 15 ноябрь куни (2-смена, 2-жуфтлик, соат 14:30-15:50 гача ва 3-смена, 1-жуфтлик, соат 17:30-18:50 гача) талабаларнинг ўртача давомати факультет бўйича 71 % ни ташкил этди.

Таълим сифатини назорат қилиш бўлими кузатув марказидан ўрганилганда талабаларнинг кечикиб келиш ҳолатлари, дарсда телефонда гаплашиш, телефон ўйнаб ўтириш, кечикиб келиш ҳолатлари кўп кузатилди.

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАН ДАСТУРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ (БИЛИМИ) БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН НАЗОРАТ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Талабалар билимларини ва ўзлаштиришларини рейтинг тизими асосида баҳолаш учун ўқув режадаги фанлардан ЯН ларнинг турлари (ёзма, тест, оғзаки ва ҳ.к.) факультет кенгашларида кўриб чиқилган ва тасдиқланган. ЖН, ОН ва ЯН вариантлари ҳамда саволлар тўпламлари ишчи ўқув дастури мазмунини қамраб олган ва мос келади. ЯН бўйича талабалар билимини адолатли баҳолаш мақсадида кафедралар кесимида ЯН комиссияси таркиби ва ўтказиш муддатлари ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқланган.

Иқтисодиёт ва туризм факультетида 2020-2021 ўқув йилида 9 та таълим йўналиши бўйича талабалар таҳсил олган. Баҳорги ва кузги семестр натижалари электрон қайднома тизимида юритилган ва мунтазам равишда назорат қилиб борилган.

Факультетда **4 нафар ўқитувчида** ҳамда **15 нафар талабада IELTS** сертификати мавжуд.

1. Юлдашев Феруз Исроилович (6,5 балл), иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси инглиз тилида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва Менежмент фанларидан дарс беради;
2. Нуров Зиёдулла Саймуродович (Cambridge Certificate (B2)), иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси инглиз тилида Эконометрикага кириш фанидан дарс беради;
3. Орипов Махмуд Ашурович (6,6), иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси инглиз тилида Микроиқтисодиёт фанидан дарс беради;
4. Асадов Фармон Шукуруллаевич (5,5 балл), иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси инглиз тилида Маркетинг фанидан дарс беради;

**IELTS сертификатига эга талабалар:**

Шарипова Захро (6 балл) (3-2MAR-21 гуруҳи талабаси);
Муродова Шахина (5,5 балл) (3-2MAR-21 гуруҳи талабаси);
Хикматов Мехриддин (6 балл) (3-2MAR-21 гуруҳи талабаси);
Ходжиева Мохларойим (5,5 балл) (3-2MAR-21 гуруҳи талабаси);
Халимова Зебохон (6 балл) (3-2MAR-21 гуруҳи талабаси);
Илхамбаев Хуррамбек (5,5 балл) (3-4ТУР-21 гуруҳи талабаси);
Рустамова Нилуфар (6 балл) (3-4ТУР-21 гуруҳи талабаси);
Усманова Парвина (7 балл) (3-4ТУР-21 гуруҳи талабаси);
Шодиев Асадбек (6,5 балл) (3-4ТУР-21 гуруҳи талабаси);
Мустафоева Шахриноз (6,5 балл) (3-4МХ-21 гуруҳи талабаси);
Мухамедова Диёра (6 балл) (3-4МХ-21 гуруҳи талабаси);
Равшанов Шахзод (5,5 балл) (3-4МХ-21 гуруҳи талабаси);
Рўзиев Бехруз (5,5 балл) (3-4МХ-21 гуруҳи талабаси);
Кахорова Асила (6 балл) (3-4МХ-21 гуруҳи талабаси);
Ғайбуллаев Фирдавс (5 балл), (3-1СТА-21гуруҳи талабаси)

2020 йилда хорижий (инглиз) тилида ўқитиладиган мутахассислик ўқув курслар сони 24 та эди. Инглиз тилида ўқитиладиган мутахассислик фанларининг асосий улуши туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасига тўғри келади.

Низом талаблари асосида битирувчи курс (бакалавриатнинг танлаб олинган гуруҳларидан) талабаларидан мутахассислик фанлари бўйича университет тест марказида тест синовлари ўтказилди.

5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) **3-1IQT-18** гуруҳида 24 нафар талабадан 22 нафари қатнашди. Ўзлаштириш кўрсаткичи **91,7 %,** сифат кўрсаткичи **59 %** ни ташкил этди. Маркетинг, меҳнат иқтисодиёти, менежмент ҳамда молия ва солиқ фанларидан 30 тадан тест (жами 120 та тест) берилди. Талабалар ўзларининг логин ва пароллари билан кириб, Uniwork электрон тизимига жойлаштирилган тестларни бажардилар.
5610103 – Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) таълим йўналиши **3-1XS-18** гуруҳида 19 нафар талаба тўлиқ қатнашди. Ўзлаштириш кўрсаткичи **100%,** сифат

кўрсаткичи **57,8 %** ни ташкил этди. 5610300 – Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) таълим йўналишида **3-2TUR-18** гуруҳида 20 нафар талабадан 14 нафари (70%) қатнашди. Ўзлаштириш кўрсаткичи **70 %**, сифат кўрсаткичи **57,1 %** ни ташкил этди. 5610200 – Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналишида **3-2MX-18** гуруҳида 27 нафар талабадан 18 нафари (66,6 %) қатнашди. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи **67 %** ни, сифат кўрсаткичи **55,5 %** ни ташкил этди. Факультет бўйича 90 нафар ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи **81,1 %,** сифат кўрсаткичи **57,4 %** ни ташкил этди.

| № | Таълим йўналиши | Гурух | Талаба сони | Қатнашди | Баҳолар | | | | Ўзлаштириш % | Сифат, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 5 | 4 | 3 | 2 | | |
| 1 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича | 3-1IQT-18 | 24 | 22 | - | 13 | 8 | 1 | 91,7 | 59 |
| 2 | Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича) | 3-1XS-18 | 19 | 19 | - | 11 | 8 | - | 100 | 57,8 |
| 3 | Туризм (фаолият йўналишлари бўйича) | 3-2TUR-18 | 20 | 14 | - | 8 | 5 | 1 | 70 | 57,1 |
| 4 | Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш | 3-2MX-18 | 27 | 18 | - | 10 | 8 | - | 66,7 | 55,5 |
| | **Жами** | | **90** | **73** | **-** | **29** | **42** | **2** | **81,1** | **57,4 %** |

Талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими) муайян таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигидаги танланган ҳар бир фандан назорат ишларида талабаларнинг ижобий баҳоланганлари салмоғи (умумий баллнинг 55 фоизидан юқориси) 70 фоиздан кам бўлмаслиги керак).

Бу банд бўйича факультетдаги барча таълим йўналишлари “аттестациядан ўтган” ҳисобланади.

## ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК САЛОҲИЯТИ ВА УЛАР МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИНГ (ИХТИСОСЛИКЛАРИНИНГ) ДАРС БЕРАЁТГАН ФАНЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ

Мутахассислик кафедраларида ўқув юкламалари профессор-ўқитувчилар ўртасида уч ўқув йилида ҳам тасдиқланган “Вақт меъёрлари” асосида тақсимланган ва ундаги меъёрлардан кескин четлашишлар кузатилмади. Охирги 3 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг шахсий режалари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган.

Иқтисодиёт кафедрасида дарс берадиган профессор-ўқитувчилар таянч маълумотларининг тегишли мутахассисликка мослиги, уларнинг мутахассисликлари дарс берадиган фанига асосан мос келиши кузатилди.

Бугунги кунда факультетнинг илмий салоҳияти 36 % бўлиб, илмий салоҳиятни ошириш бўйича кафедраларнинг режаси ишлаб чиқилган.

*Камчиликлар:*

Кафедранинг асосий қисми ёшлардан иборат бўлишига қарамасдан илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган профессор-ўқитувчилар сони камлиги, илмий салоҳиятни ошириш ишлари суръати паст эканлиги қайд этилди.

*Бартараф этиш бўйича тавсиялар:*

Кафедра илмий салоҳиятни ошириш, ёшларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш бўйича режа-график ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича кафедра мудири ва етакчи профессор ўқитувчиларга тавсиялар берилди.

3-илова

**Иқтисодиёт ва туризм факультети профессор-ўқитувчиларининг педагогик илмий салоҳият тўғрисида маълумот**

| т/р | Кафедралар номи | Педагоглар сони | | | | Илмий даражали ва илмий унвонга эга бўлганлар сони* | Илмий ссалоҳият (%)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий штат | Ички ўриндош | Ташқи ўриндош | Соатбай | | |
| *1* | *2* | *4* | *5* | *6* | *7* | *8* | *9* |
| 1 | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 27 | 9 | 1 | 2 | 9 | 33,3 |
| 2 | Иқтисодиёт | 34 | 11 | 9 | 3 | 14 | 41,2 |
| 3 | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 13 | 13 | 2 | 5 | 4 | 28,6 |
| | **ЖАМИ** | **75** | **19** | **12** | **10** | **27** | **36** |

**Кафедраларида дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилиши**

**Нашр этилган дарсликлар:**

1. H.R. Hamroyev. Turistik erkin iqtisodiy hududlarni tashkil etish. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 28.08.2021 buyrug'i; № 237. Guvohnoma-237-t-043. Nashr qilinmagan.
2. M.M. Toirova, A.J. Abdullayev, N.B., N.N. Askarov, S.S. Davlatov. Agrologistika. Buxoro, Durdona- 2021. -328 б.
3. H.R. Hamroyev. Xalqaro turizm. Buxoro, Durdona- 2021. - 824 б.
4. O.Q. Xurramov. Raqamli iqtisodiyot. Buxoro, Durdona- 2021. - 156 б.
5. B.S. Isomov, N.X. Kuliyev, S.U. Tajiyeva, A.X. Shodiyev. Investitsion tahlil. Buxoro, Durdona- 2021. -204 б.
6. B.S. Isomov. Turizm va mehmonxona xo'jaligi. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 23.11.2021 buyrug'i; № 500. Guvohnoma-500-745. *Nashr qilinmagan.*
7. B.S. Isomov, N.X. Kuliyev, Z.S. Nurov. Mehmonxona xo'jaligi faoliyati tahlili. Buxoro, Durdona- 2021. -156 б.
8. Н.С. Ибрагимов. Turistik hudud raqobatbardoshligi. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 18.08.2021 buyrug'i; № 356. Guvohnoma-356-t-022. *Nashr qilinmagan.*

**Нашр этилган ўқув қўлланмалар:**

1. F.M. Raxmatullayeva, A.J. Abdullayev, N.B. Giyazova, G.S. Narzullayeva. Tashqi iqtisodiy faoliyat. Buxoro, Durdona-2021. -152 б.
2. A.J. Abdullayev, З.A. Qayimova, Sh.SH. Boltayev, D.M. Narziyev. Pul va banklar. Buxoro, Durdona-2021. -360 б.
3. G.R. Xidirova, F.M. Raxmatullayeva. Mintaqaviy turizm. Buxoro, Durdona- 2020. -176 б.
4. M.M. Toirova, A.J. Abdullayev, N.B. Giyazova, G.G. Boboyeva. Brendni boshqarish. Buxoro, Durdona-2021. -148 б.
5. Tadjiyeva S.U. Экономическая география и география туризма. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 31.05.2021 buyrug'i; № 237. *Nashr qilinmagan.*
6. Xidirova G.R. Mintaqaviy turizm. O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 30.06.2020 buyrug'i; № 359. *Nashr qilinmagan.*

Иқтисодиёт ва туризм факультетида сўнгги 2 йилда асосий штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар томонидан 8 та дарслик, 6 та ўқув қўлланма, 14 та

методик қўлланма, 15 та муаллифлик гувоҳномалари, 32 та монография нашр этилган, 185 та ўқув-услубий мажмуалар тайёрланган. Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда 343 та, чет эл журналларида 119 та илмий мақолалар нашр қилинган.

Сўнгги 3 йилда нашр этилган ўқув-услубий ва илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Иқтисодиёт кафедрасида ўқув қўлланма ҳар учта ўқитувчига ўртача ҳисобда 3 йилда 1 та тўғри келади, Туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида ўқув қўлланма ҳар саккизта ўқитувчига ўртача ҳисобда 3 йилда 1 та тўғри келади. Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедрасининг таянч ОТМ билан ҳамкорликдаги дарслик, ўқув қўлланмалар чоп этиш даражаси анча паст эканлиги кузатилди.

*Ихтибослик.*2021 йилда и.ф.д. проф. Б.Н. Наврўз-зода 304 та, PhD , доц. А.Ж. Абдуллаев 233 та, и.ф.н., доц. Ф.М. Рахматуллаева 207 та, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси О.Қ. Хуррамов 853 та, иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси Н.Б. Гиязова 186 та, иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси М.М. Тоирова 153 та, иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси О.Х. Рахимов 154 та, и.ф.н., доц. Д.Ш. Явмутов 143 та, иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, PhD З.Б. Наврўз-зода 133 та, кафедра ўқитувчиси Д.М. Нарзиева 115 та, кафедра ўқитувчиси Г. Нарзуллаева 95 та, и.ф.н., доц. С.У. Таджиева 64 та, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси доц. Г.Р. Хидирова 40 та, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси катта ўқитувчиси З.Т. Жўраева мақолаларига 48 та иқтибосликлар мавжуд.

4-илова

**Услубий ва илмий ишлар ҳақида маълумот**

| Т/р | Кафедраларнинг номи | Охирги 2 йилда чоп этилган ўқув-методик ишлар сони | | | | | | Охирги 2 йилда чоп этилган илмий ишлар сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | Илмий мақолалар, шу жумладан: | | |
| | | Дарслик | Ўқув қўлланма | Услубий қўлланма | Услубий кўрсатма | Ўқув-услубий мажмуалар | Электрон дарслик | Монография | ОАК эътироф этган журналларда | ОАК эътироф этган хорижий журналларда | Патентлар |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | **10** | **11** | **12** |
| **1** | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 6 | 2 | 5 | 10 | 80 | 2 | 12 | 20 | 210 | |
| **2** | Иқтисодиёт | 1 | 3 | 5 | 5 | 98 | 15 | 11 | 81 | 117 | |
| **3** | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 1 | 1 | 4 | 7 | 7 | 3 | 9 | 18 | 16 | |
| | **Ж а м и** | **8** | **6** | **14** | **22** | **185** | **20** | **32** | **119** | **343** | |

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ДАРСЛИК (ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК) ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ДАРАЖАСИ, ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ТИЗИМИНИНГ МАВЖУДЛИГИ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИНИНГ ЯРАТИЛГАНЛИГИ

Кафедра йўналишларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув адабиётлар билан таъминланганлиги масаласи 2019-2020 ўқув йилида Бухоро давлат университети кенгашининг 2019 йил 27 август 1-сонли, 2020-2021 ўқув йилида 2020 йил 30 августдаги 1 - сонли ва 2021-2022 ўқув йилида 2021 йил 30 августдаги 1 - сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, адабиётларнинг янги авлодини яратиш, етишмаётган адабиётларни сотиб олиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган. Жадвалда ўқув адабиётлар билан таъминланганлик маълумотлари келтирилган.

Етишмайдиган асосий адабиётларни таъминлаш мақсадида кафедраларда электрон кутубхона (165 номдаги электрон адабиётлар диски) ташкил этилган.

*Камчиликлар:*

1. Адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўйича кафедрада мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланилиб, адабиётлар яратиш учун лаёқати етарли бўлган профессор ўқитувчиларнинг барчаси жалб қилинмаган.

## МОДДИЙ-ТЕХНИК ТАЪМИНОТ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР ҲАМДА ФОЙДАЛИ ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ

Факультет бўйича ўнта таълим йўналишида дарслар уч сменада замонавий талаблар даражасида жиҳозланган (2-бино 4-5 қаватларда жойлашган) 20 та ўқув аудиторияларида олиб борилади. 35 комплект компьютерлар билан жиҳозланган 2 та компьютер синфи мавжуд. Бундан ташқари 8 та компьютер, 4 дона принтер, 4 дона нусха кўчириш аппарати ва 4 дона проекторлар мавжуд ва улардан ўқув жараёнларини сифатли ташкил қилишда тўлақонли фойдаланилмоқда.

Шунингдек, Бухоро вилояти Агробанк АТБ томонидан замонавий талаблар даражасида мультимедиа воситалари билан жиҳозланган ўқув хонада амалий машғулотлар ўтказилади.

## ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Таълим жараёнини ривожлантириш ва талабаларнинг замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишлари мақсадида кафедрада энг сўнгги моделдаги мультимедиа воситалари билан жихозланган ўқув хоналари ташкил қилинган. Компьютерлар барчаси интернет тармоғига уланган. Кафедра жойлашган блокда Wi-Fi зонаси мавжуд бўлиб, ундан кафедра профессор ўқитувчилари ва йўналиш талабалари дарслар жараёнида тармоққа шахсий алоқа воситалари орқали уланиб, дарс жараёнини сифатли ташкил қилиш мақсадида фойдаланишади.

Иқтисодиёт ва туризм факультетида мавжуд маъруза аудиторияларининг 10 тасида проекторлар ва 4 тасида телевизор ўрнатилган. Шундан келиб чиқиб мавжуд жами 68 та фанларнинг 42 (61%) тасида АКТни қўллаб дарслар ўтилиш имконияти мавжуд. Ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг жорий этилиш ҳолатини қониқарли даражада.

## ТАЪЛИМНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЛМ-ФАН БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Иқтисодиёт кафедрасида 2 та инновацион гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, уларда 58 нафар, жумладан 25 нафар профессор-ўқитувчилар, 3 нафар докторантлар, 10 нафар магистрантлар ва 10 нафар иқтидорли талабалар ҳамда корхоналардан 10 нафар ходимлар киритилган. Иқтисодиёт кафедрасида Бухоро вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг 100 дан ортиқ мавзудаги муаммолар банки яратилган.

Кафедраларда инновацион корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича корхона ва ташкилотларнинг рўйхати шакллантирилган. Ўзбектуризм, “Пахта саноат омад парранда” МЧЖ, ООО “Grand deklorant standart servis” , Давлат хизматлари Бухоро вилоят бошқармаси, “Biznes tadqiqot konsalting” МЧЖ, “SPEKTROCOLOR” ХК, Бухоро вилояти иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, Марказий банк Бухоро вилояти бошқармаси, Бухоро вилоят фермер хўжаликлари шулар жумласидандир.

Шу билан биргаликда, Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари танланма асосида ўрганилганда улардаги қатор камчиликларнинг мавжудлиги аниқланди. Масалан:

“Иқтисодиёт” кафедраси битирувчиси Т.С.Баҳодировнинг “Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари (Бухоро туман фермер хўжалиги матереалларти асосида)”мавзусидаги БМИ да илмий раҳбар хулосаси ва тақризлар номига ёзилган. Камчиликлар ёки тавсиялар умуман кўрсатилмаган. Бухоро туман фермер хўжалиги маълумотлари мазкур хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланмаган.

Туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида ҳам ана шундай иинновацион гуруҳлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ

Сўнгги 2 йилда факультетда асосий штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар томонидан 8 та дарслик (туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида 6 та,

иқтисодиёт кафедрасида 1 та, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедрасида 1 та дарслик яратилган), 6 та ўқув қўлланма (туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида 2 та, иқтисодиёт кафедрасида 3 та, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедрасида 1 та ), 8 та методик қўлланма, 22 та услубий кўрсатма ҳамда барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар чоп этилган. 32 та монография (туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида 12 та, иқтисодиёт 11 та, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедрасида 9 та) нашр этилган. Кейинги 2 йилда Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда 85 та, чет эл журналларида 233 та мақола нашр этилган. 2020 йилда факультет бўйича Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий журналларда 34 та, чет эл журналларида 84 та, 2021 йилда эса ОАК томонидан эътироф этилган илмий журналларда 51 та, чет эл журналларида 149 та мақола нашр этилган. (***3-жадвал***).

| **№** | **Кафедралар** | **2020 йилда иқтибослиги** | **2021 йилда иқтибослиги** |
|---|---|---|---|
| 1 | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 320 | 310 |
| 2 | Иқтисодиёт | 464 | 722 |
| 3 | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 350 | 307 |
| | **Жами факультет бўйича** | **1134** | **1953** |

Факультетда фаолият олиб бораётган асосий штатдаги 75 нафар профессор-ўқитувчилар 2021 йилда 1,9 та халқаро мақола, ОАК эътироф этган журналларда 0,68 улушда мақола тўғри келади. Республика миқёсидаги мақола ҳар бир ўқитувчига 2 йилда 1 тадан мақола тўғри келди.

3-жадвал

| **№** | **Кафедралар** | **Халқаро мақола** | **Республика мақола** |
|---|---|---|---|
| | | **2020 йил** | |
| 1 | Иқтисодиёт | 19 | 14 |
| 2 | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 48 | 9 |
| 3 | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 17 | 11 |
| | **Жами факультет бўйича** | **84** | **34** |
| | | **2021 йил** | |
| 1 | Иқтисодиёт | 60 | 30 |
| 2 | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 60 | 10 |
| 3 | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 29 | 11 |
| | **Жами факультет бўйича** | **149** | **51** |
| | **Жами 2 йилда** | **233** | **85** |

**Илмий, илмий-методик ва амалий конференцияларнинг ўтказилганлиги;**

Иқтисодиёт кафедрасида ҳар ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармоишларига мувофиқ Республика миқиёсидаги илмий-амалий анжуманни ташкил этилди ва юқори савияда ўтказилди. Жумладан, Бухоро давлат университетида 2020 йил 24 май куни “ Қишлоқ хужалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истикболли йуналишлар ” мавзусидаги илмий-амалий анжуман.

Ўрганилган даврида Иқтисодиёт кафедрасида 4 нафар ўқитувчи докторлик диссертацияси ҳимоя қилди. 5 нафар доцентлик унвони ва 1 нафар профессорлик унвони берилди. 2020-2021 ўқув йилида кафедрада 3 та таянч докторант -Адизов Б.И, Очилов Н.Н, Жураева.Д.Д илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида ҳар ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармоишларига мувофиқ Республика миқиёсидаги илмий-амалий анжуманни ташкил этилди ва юқори савияда ўтказилди. Жумладан, Бухоро давлат университетида 2020 йил 24-феврал куни "**Бухорода ислом маданиятини модернизациялаш ва туризмни барқарор ривожлантириш истиқболлари"** мавзусидаги, 2021 йил 6 октябрь куни "Пандемиядан кейинги даврда туризмни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари"мавзусидаги илмий-амалий анжуман.

Сўнгги 2 йилда Иқтисодиёт кафедрасида хўжалик шартномаларини бажариш бўйича 25 млн. сўмлик, сервис соҳаси иқтисодиёти кафедрасида 11,1 млн. сўмлик ва туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида 15,75 млн. сўмлик ишлар олиб борилди.

| **2019 йил** | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **№** | **Кафедра номи** | **Шартнома сони** | **Суммаси** | **Тушум** |
| **1** | Иқтисодиёт | 7та | 5,9 | 5,9 |
| **2** | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 1та | 1.39 | 1,39 |
| **3** | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 28та | 13,785 | 10,18 |
| **2020-yil** | | | | |
| **№** | **Кафедра номи** | **Шартнома сони** | **Суммаси** | **Тушум** |
| **1** | Иқтисодиёт | 9та | 10,1 | 9,324 |
| **2** | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 7та | 3,5 | 3,5 |
| **3** | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 4та | 5,60 | 5,2 |
| **2021-yil** | | | | |
| **T/r** | **Кафедра номи** | **Шартнома сони** | **Суммаси** | **Тушум** |
| **1** | Иқтисодиёт | 23та | 19,75 | 19,45 |
| **2** | Сервис соҳаси иқтисодиёти | 40та | 9,16 | 7,6 |
| **3** | Туризм ва меҳмонхона хўжалиги | 7та | 15,45 | 10,55 |

2021 йилда Иқтисодиёт ва туризм факультетида хўжалик шартномалари бўйича белгиланган режа 110,9 % га бажарилган. Умумий тушум миқдори 76,5 млн. сўмни ташкил этган.

1. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги кафедрасида 2021 йилда 44,8 млн. сўмга хўжалик шартномаси тушуми амалга оширилган. Белгиланган режа 34,1 % га бажарилган.
2. Иқтисодиёт кафедрасида 2021 йилда 24,5 млн. сўмга хўжалик шартномаси тушуми амалга оширилган. Белгиланган режа 87,7 % га бажарилган.
3. Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедрасида 2021 йилда 7,1 млн. сўмга хўжалик шартномаси тушуми амалга оширилган. Белгиланган режа 41,8 % га бажарилган.

Факультетда 4 та лойиҳа асосида иш олиб борилган:

1. Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш. Кооперация ва интеграция асосида фермер хўжаликларида рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришнинг мақбул моделларини ишлаб чиқиш фундаментал лойиҳаси. Молиялаштириш суммаси 126 224 000 сўм. Лойиҳа раҳбари проф. Б.Н.Наврўз-зода (2020 йил);

2. Чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш (Бухоро вилояти мисолида) амалий лойиҳаси. Молиялаштириш суммаси 306 565 608 сўм. Лойиҳа раҳбари доц. М.А.Орипов (2020 йил);

3. “Минтақани комплекс ривожлантиришда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари” амалий лойиҳа. Молиялаштириш суммаси 163 051 000 сўм. Лойиҳа раҳбари доц. Ф.Рахматуллаева (2020 йил);

4.“Бухоро вилоятида гранулали омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш” тижоратлаштириш лойиҳаси. Молиялаштириш суммаси 454 млн сўм. Лойиҳа раҳбари доц. М.А.Орипов (2021 йил);

## ИЧКИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР

Иқтисодиёт ва туризм факультети таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини юқоридаги кўрсаткичлар ва мезонлар асосида баҳолаш натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ ва асосли хулоса ҳамда таклифлар:

### ТАКЛИФЛАР

1. Ҳудудларда янги барпо этилаётган, қайта тикланаётган, реконструкция қилинаётган замонавий корхоналар ҳамда иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилинаётганлигини инобатга олган ҳолда, янги касб ва мутахассисликларга бўлган талаб-эҳтиёжларни қоплаш мақсадида аниқ ҳисоб-китобларига асосланган факультет қабул квоталарини шакллантириб бориш;
2. Профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириши ва хориж тажрибасини ўргатиш;
3. Ёш педагог, магистр, иқтидорли талабаларни, хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиши ва малака ошириши мақсадида факультетда хориж тажрибаларини йўлга қўйиш ва амалиётга жорий этиш;
4. Битирувчиларни ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштириш, корхоналардаги бўш вакант ўринларни малакали битирувчилар билан тўлдириб бориш;
5. Факультет кафедраларида мутахассис кадрларни таъминлаб бориш мақсадида чет элда таълим олаётган ҳамда республикамизнинг нуфузли Олий таълим муассасаларини тугатаётган иқтидорли ёшларни жалб этиш;
6. Кафедралар қошидаги илмий-инновацион марказлар фаолиятини янада кучайтириш;
7. Scopus, Elsevier ва Web of Science рўйхатидаги журналларда факультет профессор-ўқитувчиларнинг мақолаларини нашр эттиришини тизимли рағбатлантириш;
8. Факультетда Президент номидаги давлат стипендиантлари, номдор стипендиантлар, фан олимпиада ғолиблари салмоғини ошириш;
9. Халқаро рейтингларда етакчи (топ 500 таликка кирувчи) ОТМлар билан қўшма дастурлар ташкил этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш. Жумладан, Казан федерал университети билан ҳамкорликда туризм (фаолият турлари бўйича), агроиқтисодиёт мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш
10. Ўқув адабиётларининг замонавий шаклларни яратиш, инглиз ва рус тилидаги гуруҳлар учун ҳудуд иқтисодиётига мослаштирилган адабиётларни тайёрлаш
11. Мутахассисликлар кесимида республика ва халкаро ОТМлар билан масофавий таълимни йўлга қўйиш;

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

1. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи М.Я.Эргашовнинг “Иқтисодиёт ва туризм” факультети таълим йўналишлари ва мутахассисликларини ички баҳолаш тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Иқтисодиёт ва туризм” факультети таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ички аттестациядан ўтди деб ҳисоблансин.

**3. Факультет декани Д.Ш. Явмутов ва кафедра мудирларига:**

3.1. Ҳудудларда янги барпо этилаётган, қайта тикланаётган, реконструкция қилинаётган замонавий корхоналар ҳамда иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилинаётганлигини инобатга олган ҳолда, янги касб ва мутахассисликларга бўлган талаб-эҳтиёжларни қоплаш мақсадида факультет таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига қабул квоталарини шакллантириб бориш;

3.2. Профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг хорижий тилларни ўзлаштириши бўйича чора-тадбирлар режасини белгилаш;

3.3. Ёш педагог, магистр, иқтидорли талабаларни, хорижий олий таълим ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиши ва малака ошириши мақсадида факультетда хориж тажрибаларини йўлга қўйиш ва амалиётга жорий этиш;

3.4. Факультет кафедраларида мутахассис кадрларни таъминлаб бориш мақсадида чет элда таълим олаётган ҳамда республикамизнинг нуфузли Олий таълим муассасаларини тугатаётган иқтидорли ёшларни жалб этиш;

3.5. Scopus, Elsevier ва Web of Science рўйхатидаги журналларда факультет профессор-ўқитувчиларнинг мақолаларини нашр эттиришини тизимли рағбатлантириш;

3.6. Факультетда Президент номидаги давлат стипендиантлари, номдор стипендиантлар, фан олимпиада ғолиблари салмоғини ошириш;

3.7. Халқаро рейтингларда етакчи (топ 500 таликка кирувчи) ОТМлар билан қўшма дастурлар ташкил этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш. Жумладан, Қозан федерал университети билан ҳамкорликда туризм (фаолият турлари бўйича), агроиқтисодиёт мутахассисликлари бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш

3.8. Дарслик ва ўқув қўлланмалар сонини кўпайтириш, таянч ёки нуфузли хорижий ОТМларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, электрон версияли матнлар ва дидактик материалларни кўпайтириш;

3.9. Мутахассисликлар кесимида республика ва халқаро миқёсда етакчи ва нуфузли ОТМлар билан масофавий таълимни йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

**4. Барча факультет деканларига:**

4.1. “Иқтисодиёт ва туризм” факультети таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ички баҳолаш бўйича кўрсатилган камчиликлар барча факультетларнинг кенгайтирилган йиғилишларида таҳлилий муҳокама қилинсин ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

**5.** Мазкур қарорларнинг ижро назорати ўқув ишлари проректор в.в.б. Р.Ғ. Жумаев зиммасига юклатилсин.

## 4.2. Ўқув услубий ишлар бўйича 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва 2022 йилдаги устивор вазифалар тўғрисида

**Эшитилди: Р.Ғ. Жумаев (**Ўқув ишлари бўйича проректор в.б.) кенгаш аъзоларига Бухоро давлат университетида 2021 йилда ўқув-услубий ишлар бўйича амалга оширилган ишлар якунлари ҳамда 2022 йилдаги мақсадли кўрсаткичлар бўйича маълумот берди

Охирги йилларда асосий эътибор ёшларимизга олий таълим олиш учун кенг имконият ва шароит яратишга қаратилди. Натижада, 2021 йилда университетнинг **Педагогика институти**, Физика-математика факультети негизида **Ахборот технологиялари** факультети ташкил қилинди. Жорий 2021 йилда ҳам самарали ишлар амалга оширилиб, Давлат олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарувда мустақиллик бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 24 декабрда** «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги **ПҚ-60-сон** ҳамда «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **ПҚ-61-сон** қарорлари қабул қилинди.

Ёшларни олий таълим билан қамров даражаси **30 %га** кўпайиб, талабалар сони **23599 нафар**га етди. 2021/2022 ўқув йилида **4240 нафар**, жумладан, бакалавриатда **3490 нафар** (грант 922 нафар, 2248 нафар шартнома, 320 нафар оширилган шартнома асосида) **28 та** магистратура мутахассисликлари бўйича **750 нафар** (**97 нафар** грант**, 580 нафар** оширилган шартнома асосида) талаба қабул қилинди. 2021/2022 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишларида **5 та**, магистратурада **5 та** янги мутахасиссисликлар очилди. 2020/2021 ўқув йили якунида **36 та** таълим йўналишида **3466 нафар** битирувчига дипломлар топширилди.АРМда **2600 дан** ортиқ ўқув адабиётлар электрон кўринишга ўтказилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан **2070 дан** ортиқ видеодарслар тайёрланди. Ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтиш муносабати билан 2021/2022 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишларида **3 та** малака талаблари, **45 та** намунавий ўқув режа, **500** дан ортиқ фан дастурлари (sillabus) яратилди. **2021 йил** давомида профессор-ўқитувчилар томонидан **56 та** дарслик ва **154 та** ўқув қўлланма, **187 та** ўқув-услубий қўлланма яратилди. Электрон дастурий маҳсулотлар учун **26 дан** ортиқ муаллифлик гувоҳномалари олинган. **45 нафар** хорижий профессор-ўқитувчи таълим жараёнига жалб этилди. Масофавий таълим платформаси учун **3000 га** яқин электрон контентлар (видео ва аудио материаллар) тайёрланди. Энг нуфузли (ТОР 300) хорижий ОТМлар тажрисбаси асосида Европа кредит тизими жорий қилинди. **10%** номутахассислик фанлар нисбати камайтирилди. Хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари сони **42 тага**, мутахассислик фанларидан хорижий тилда дарс машғулотлари олиб бориладиган академик гуруҳлар сони **12** тага, Дунёнинг нуфузли 1000 талигидаги ОТМларда ўқув машғулоти ўтказган профессор-ўқитувчилар сони **40 нафарга,** хорижий талабалар сони **20 та** таълим йўналиши бўйича **285 нафар**ни ташкил этди.

Раҳбар ва педагог-ходимларнинг **259 нафари** Республика тармоқ марказларида ва **20 нафари** Хорижий ОТМларда малака оширди. Профессор-ўқитувчиларнинг **769 нафари** **www.pf.bimm.uz** платформаси орқали хорижий тиллар бўйича сертификатни қўлга киритди, **805 нафари** ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш бўйича масофавий малака оширди. Таълим сифати ва самардорлигини мақсадида “Кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш” бўйича қисқа муддатли курсларда трененрлар тайёрлаш курсига университетдан **12 нафар** ходим қатнашди. Ўқув машғулотлари БИММ, ТДИУ, ТДЮУ ҳамда Халқаро Вестминстер университетларида ташкил этилди.

Ўқув режалар ва дастурларни мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати берилди. **45 та** кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув режалар ишлаб чиқилди. Иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки таъминланди. **10** га яқин ишлаб чиқариш корхоналари ва иш берувчи ташкилотларда амалий машғулотлар ҳамда талабалар амалиёти самарали ташкил этилди. Ишлаб чиқаришдан ўқув жараёнига **30 та** етакчи мутахассислар жалб этилади. **3500 нафар** талабалар **8 та** корхоналар базасида, **80** та таълим ташкилотларида, малакавий амалиётларини, **2300 нафар** талабалар ишлаб чиқариш амалиётларини ўтади. Мутахассисликлар бўйича малака талаблари, **250 дан** ортиқ фан дастурлари ва **15 та** ўқув режалари такомиллаштирилди. Таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграцияси кучайтирилди, корхоналарда **52 та** кафедра филиаллари ташкил этилади.

Ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммолар асосида **1000 дан** ортиқ курс иши, диплом лойиҳаси ва магистрлик диссертациялари мавзулари банки яратилди. **100 дан ортиқ** ўқув адабиётларининг янги авлоди яратилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларда мутахассислик кафедралар профессор-ўқитувчиларининг стажировкалари ташкил этилди. Ўқув аудиториялар замонавий **500 та** АКТ воситалари билан жиҳозланди. **2021 йилда** **1,145 млрд** сўмлик ўқув ва илмий лабораторияларга замонавий

асбоб-ускуналар харид қилинди, университет замонавий ахборот-ресурс маркази ишга туширилди ҳамда **960 млн. сўмга** ўқув адабиётлари билан бойитилди.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб HEMIS платформасида талабалар ўқув варақаси, рейтинг дафтарчаси, академик маълумотнома, дарс жадвали, давомат ва ўзлаштиришга оид маълумотлар рақамлаштирилди.

## 2022 йилдаги устувор вазифалар:

Хориждан талабаларни жалб қилиш мақсадида **“Study in Bukhara state university”** лойиҳасини амалга ошириш, университет таълим жозибадорлигини тарғиб қилувчи махсус веб-портал яратиш ва уни барча факультетлари ҳамда тузилмалари бўйича батафсил ва ишончли маълумотлар билан тўлдириб бориш;

Хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш мақсадида **“UNIWORK 2.0”** платформасини ишлаб чиқиш;

2022/2023 ўқув йили кадрлар буюртмачилари билан кадрлар тайёрлаш бўйича малака талаблар ва ўқув режаларни ҳамда фан дастурларини ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш. Иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштирокини таъминлаш;

Университет кутубхона фондидаги ўқув адабиётларининг тўлиқ электрон шаклга ўтказилишини таъминлаш ҳамда **ягона “Электрон кутубхона” платформасидан** фойдаланиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

Бухоро давлат университетида 2021 йилда ўқув-услубий ишлар бўйича амалга оширилган ишлар якунлари ҳамда 2022 йилдаги мақсадли кўрсаткичлар бўйича ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б. Р.Ғ. Жумаев ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Бухоро давлат университетида 2021 йилда ўқув-услубий ишлар бўйича амалга оширилган ишлар якунлари ҳамда 2022 йилдаги мақсадли кўрсаткичлар бўйича ўқув ишлари бўйича проректор в.в.б. Р.Ғ. Жумаев ҳисоботиҳолати бўйича амалга оширилган ишлар қониқарли деб ҳисоблансин;

3. 2022 йил учун малака ошириш режасига асосан кафедра профессор-ўқитувчиларини малака ошириш курсларига юбориш тўлиқ таъминлансин(масъуллар: факультет деканлари, кафедра мудирлари, ўқув-услубий бошқарма);

4. 2022 йил учун хориждан талабаларни жалб қилиш мақсадида “Студй ин Букҳара стате университй” лойиҳасини амалга ошириш, университет таълим жозибадорлигини тарғиб қилувчи махсус веб-портал яратиш ва уни барча факультетлари ҳамда тузилмалари бўйича батафсил ва ишончли маълумотлар билан тўлдириб бориш (масъуллар: халқаро ҳамкорлик бўлими, рақамли таълим технологиялари маркази, ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари);

5. 2020 йилда хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш мақсадида “УНИWОРК 2.0” платформасини ишлаб чиқиш (масъуллар: халқаро ҳамкорлик бўлими, рақамли таълим технологиялари маркази, ўқув-услубий бошқарма, факультет деканлари, кафедра мудирлари);

6. 2022/2023 ўқув йили кадрлар буюртмачилари билан кадрлар тайёрлаш бўйича малака талаблар ва ўқув режаларни ҳамда фан дастурларини ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш. Иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштирокини таъминлаш (масъуллар: маркетинг ва талабалар амалиёти бўлимига, факультет деканлари, кафедра мудирлари, ўқув-услубий бошқарма);

7. Mazkur qarorlarning ijro nazorati o‘quv ishlari bo‘yicha prorektor v.v.b. R.G‘.Jumayev zimmasiga yuklatilsin.

**IV. <u>Илмий ишлар ва инновациялар йўналишлари бўйича:</u>**

**5. Университетда 2021 йилда илмий тадқиқот ва инновациялар соҳасида эришилган натижалари тўғрисида**

**ЭШИТИЛДИ: О.С.Қаҳҳоров** (Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор) ахборот берди.

2021/2022 ўқув йилида Бухоро давлат университетида **13 та** факультет таркибида **38 та** кафедра фаолият кўрсатади. Бакалавриат таълим йўналишлари сони **73 та**, магистратура мутахассисликлари сони **32 та**ни ташкил этади.Жорий йилда Педагогика институти ташкил қилинган бўлиб, унга 2021/2022 ўқув йилидан талабалар қабули амалга оширилмоқда.

БухДУда 2021 йил декабрь ойи ҳолатида **867 нафар** профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатади.Фан докторлари, профессорлар **48 нафар**, фан номзоди, фалсафа докторлари, доцентлар **213 нафар**ни ташкил этади. Университет илмий салоҳияти **30,1 фоиз**га тенг. Университет олий таълимдан кейинги таълим институтида **7 нафар** докторант, **120 нафар** таянч докторант, **186 нафар** мустақил изланувчи, **4 нафар** стажер-тадқиқотчи фаолият кўрсатмоқда.

2022 йил учун докторантурага **5 нафар**, таянч докторантурага **25 нафар** ҳамда мақсадли таянч докторантурага **1 нафар** талабгорлар қабул қилинди.

Университет ҳузурида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи **14 та** ихтисослик бўйича жами **8 та** кенгаш фаолият кўрсатаётган бўлиб, 2021 йилда **10.00.01-Ўзбек тили**, **10.00.02-Ўзбек адабиёти** ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгаш ҳамда **10.00.04 - Европа**, **Америка ва Австралия халклари тили ва адабиёти**, **10.00.06 - Киёсий адабиётшунослик, чогиштирма тилшунослик ва таржимашунослик** ихтисосликлари бўйича **DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли** Илмий кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди. 2021 йилда Университет ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашларга **112 та** ариза келиб тушган. Ўтказилган семинарлар сони 90 та. Ўтказилган ҳимоялар сони эса **71 тани** ташкил этади (Шундан **41 таси** БухДУ педагог ходимлари). Бугунги кунда Кенгаш эксперт ва такризчилари томонидан ўрганилаётган хужжатлар сони **22 та**. Университет ҳузуридаги 2021 йилда Илмий кенгашлар университет илмий салохиятини **4,7 %** га оширишга хизмат қилди. Илмий кенгашдарда 2022 йилда **80 та** докторлик диссертациялари ҳимоялари режалаштирилмоқда.

2021 йилда университетда фаолият кўрсатаётган педагог ходимлардан **13 нафари** фан доктори (DSc), **43 нафари** фалсафа доктори (PhD) докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Университетда 2021 йилда **10 та** халқаро, **11 та** республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ҳамда **10 та** вебинарлар бўлиб ўтди бўлиб ўтди.

2021 йилда университет профессор-ўқитувчилари томонидан **122 та** монографиялар яратилди. Жорий йилнинг декабрь ойи ҳолатида жами **1714 та**, шундан **1147 та** халқаро, **567 та** республика миқёсидаги журналларда илмий мақолалар чоп этилган.

2020/2021 ўқув йилида университетнинг иқтидорли талабаларидан 2020/2021 ўқув йилида **7 нафари** Навоий, Улуғбек ва Ислом Каримов номли давлат стипендиялари ғолиби, 2021 йилда **14 нафари** Республика фан олимпиадаси ғолиби бўлишди. Бу кўрсаткич Республика ОТМлари орасида **2-кўрсаткич** ҳисобланади.

2021 йилнинг 19 декабр куни Ўзбекистон Президенти Президенти ташаббусига кўра илгари сурилган ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги, IT-Парк ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган **“Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳаси** якунига етди. **“Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳасининг** Республика босқичи доирасида **245 та** лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Улар орасида энг илғор **100 нафар** ёшлар ғолиб деб топилди ва уларнинг ҳар бирига **10 миллион сўм** маблағ мукофот тарзида ажратилди. Қувонарлиси, университетнинг Физика-математика факультети талабалари Некбоев Мухиддин ва Жамолов Ўткир ғолиблар сафидан жой олишди. Ғолиблар ўз ғояларини ҳаётга

татбиқ этиш имкониятини қўлга киритдилар ҳамда махсус **“Ўзбекистон учун 100 ғоя” албомида** ўрин эгаллашди.

2021 йилда Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажарилиши 2021-2022 йилларга мўлжалланган **“Оила психологияси фанидан мультимедиа маҳсулотларини яратиш”** мавзусидаги **инновацион лойиҳа** (йиллик суммаси **250,0 млн. сўм**, умумий суммаси **500 млн. сўм**) ҳамда бажарилиши 2021-2023 йилларга мўлжалланган **“Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш”** мавзусидаги **амалий лойиҳа** (йиллик суммаси **300,0 млн. сўм**, умумий суммаси **900,0 млн. сўм**) бажарилмоқда.

2021 йилда лойиҳаларнинг янги шакли ҳисобланган **тижоратлаштириш** ҳамда **стартап лойиҳаларини** амалга ошириш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2021 йилнинг 24 июнида Инновацион ривожланиш вазирлиги Ҳайъати, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган **“Бухоро вилоятида гранулали омухта ем ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳасини** молиялаштиришга қарор қилди. Молиялаштириш суммаси **454 млн. сўмни** ташкил этади.

Шунингдек, 2021 йилнинг 8 июлида Инновацион ривожланиш вазирлиги Ҳайъати, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган **“Ресурс тежамкор оҳорловчи полимер-композициялар яратиш ва тўқимачилик корхоналарида жорий этиш технологияси” тижоратлаштиришга тайёрлаш лойиҳасини 492,4 млн. сўмга** молиялаштиришга қарор қилди.

Ушбу тижоратлаштириш лойиҳалари мос равишда **“Novator chorvador”МЧЖ** ҳамда **“Sharq Business Solution” МЧЖ**лари билан ҳамкорликда **Ромитан инновацион ҳудудида** амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар бўйича университет ҳамда ташкилотлар ўртасида **лицензия шартномалари** имзоланган.

2021 йилда лойиҳаларнинг ноёб шакли ҳисобланган **стартап лойиҳалари** ғолиблиги ҳам қўлга киритилди.2021 йилнинг 14декабрь куни ўтган Инновацион ривожланиш вазирлиги 55-сонли Ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида университет профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган **“Блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда сунъий интеллектга асосланган онлайн таълим учун платформа ишлаб чиқиш” стартап лойиҳаси** молиялаштирилиши белгиланди. Стартап лойиҳа қиймати **584,5 млн. сўмни** ташкил этади. Ушбу лойиҳа 2022 йилда **"Robots and Me" МЧЖ** билан ҳамкорликда амалга оширилади.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган **“Бўлажак олим” танловида** п.ф.д. (DSc), доцент Ҳ.О. Жўраев томонидан ишлаб ишлаб чиқилган **“Физика фанидан рақамли технологияларга асосланган таълим платформаси прототипини яратиш”** ҳамда ф.ф.н., доцент Ш.Ш. Файзиев томонидан ишлаб ишлаб чиқилган **“Кобинациялашган қуёш чучитгич-қуритгич қурилмаси яратиш”** илмий ғоялар танлов ғолиби сифатида тан олинди. Лойиҳаларнинг молиялаштириш қиймати мос равишда **98,0 млн. сўм** ва **85,0 млн. сўмни** ташкил этади.

2021 йилда университет кафедралари томонидан тармоқ корхоналари билан **10 йилга** мўлжалланган **102 та** ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Университет кафедраларининг илмий-тадқиқот фаолияти ушбу тармоқ корхоналари муаммоларига йўналтирилди. Турли корхона ва ташкилотлар билан **369 та** инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномалари амалга оширилмоқда. Соҳалар буюртмалари асосида ҳамкорлик ва хўжалик шартномалари асосида **474,7 млн. сўм** тушум амалга оширилди.

## Бухоро давлат университетида 2022 йил учун илмий соҳада амалга оширилиши режалаштирилган устивор вазифалар

**1.** Университет илмий салоҳиятини **34,4 %** га етказиш;

**2.** 2022 йилда **11 нафар** фан доктори ҳамда **54 нафар** фалсафа доктори, жами **65 та** докторлик диссертациялари ҳимояларини ташкил этиш;

**3.** Кафедралар ҳузуридаги **илмий-тадқиқот марказлари** фаолиятини такомиллаштириш. Уларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини тармоқ корхоналари муаммоларига йўналтириш. Марказларни даромад топиш тизимини йўлга қўйиш;

**4.** 2022 йилда **12 та** халқаро, **12 та** республика миқёсида, жами **24 та** илмий-амалий анжуманларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. Анжуманларга профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг кенг иштирокини таъминлаш;

**5.** 2022 йилда ҳалқаро ва республика миқёсидаги нуфузли илмий журналларда **2500 дан** ортиқ мақолалар чоп этилишига эришиш;

**6.** Ўзбекистон Республика Президенти ҳамда Номли давлат стипендиялари ғолиблари сонини **10 нафар**га етказиш;

**7.** Талабалар Республика фан олимпиадалари совриндорлари сонини **20 нафар**га етказиш;

**8.** Соҳалар буюрмалари асосида олинадиган маблағлар суммасини **1,0 млрд. сўм**га етказиш;

**9.** Давлат илмий техник дастурлари доирасидаги фундаменталь, амалий ва инновацион лойиҳалар қийматини **1,5 млрд. сўм**га етказиш;

**10.** Университетда стартап лойиҳалар экотизмини ривожлантириш. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган стартап лойиҳалар ҳамда "Бўлажак олим" танловлари доирасида **2 та** стартап лойиҳа ғолиблигини қўлга киритиш

**11.** Университет бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **кичик стартап ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимини** йўлга қўйиш.

**12.** 2022 йилда Университет Олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантларнинг **докторлик диссертацияларини ўз вақтида** ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

**1.** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С. Қаххоровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Университет ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгашлар фаолияти қониқарли деб топилсин. 2022 йилда ҳимоялар салмоғи ошириш бўйича ҳар бир кенгаш томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин (масъул: Илмий кенгаш раислари, Илмий кенгашларнинг илмий котиби, муддат: 15.01.2022 й).

**3.** 2021 йилда докторлик диссертациялари ҳимоялари бўйича юқори кўрсаткичга эришган Филология (6 та докторлик (DSc), 5 та фалсафа доктори (PhD) , Хорижий тиллар (10 та фалсафа доктори (PhD), Тарих ва маданий мерос (2 та докторлик (DSc), 7 та фалсафа доктори (PhD), Мактабгача ва бошланғич таълим (1 та докторлик (DSc), 5 та фалсафа доктори (PhD) факультетлари эътироф этилсин.

**4.** Агрономия ва биотехнология (1 та фалсафа доктори (PhD), Чақириққача ҳарбий таълим (ҳимоя амалга оширилмаган) факультетларида ҳимоя кўрсаткичлари қониқарсиз эканлиги қайд этилсин ҳамда педагог ходимдарни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш ҳамда ҳимоялар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин (масъул: Факультет деканлари, кафедра мудирлари, ИТ, И ва ИПКТБ бошлиғи, муддат: 20.01.2022 й).

**5.** Университет кафедраларида чоп этилган монографиялар ва илмий мақолаларнинг салмоғи талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилсин (масъул: Факультет деканлари, кафедра мудирлари, ИТ, И ва ИПКТБ бошлиғи).

**6.** 2022 йилда бўлиб ўтиши режалаштирилган илмий-амалий анжуманларда барча кафедра профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабаларининг фаол иштироки таъминлансин (масъул: ИТ, И ва ИПКТБ бошлиғи, факультет деканлари, кафедра мудирлари).

**7.** Давлат стипендиялари танловига номзодларни тайёрлашда Ўзбекистон тарихи, чет тили ва информатика фанларидан ўқитиш сифатини янада ошириш мақсадида иқтидорли талабалар устоз-шогирд тизими асосида тажрибали профессор-ўқитувчиларга бириктирилсин (масъул: ИТИТФТЭ бўлими бошлиғи, факультет деканлари, кафедра мудирлари, муддат: ўқув йили давомида).

**8.** Университет профессор-ўқитувчиларининг Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида эълон қилинган фундаменталь, амалий, инновацион лойиҳалар танловларида фаол

иштироки таъминлансин (масъул: ИИИТБ бошлиғи, факультет деканлари, кафедра мудирлари).

**9.** Хўжалик шартномалари бўйича белгиланган режа кўрсаткичини бажарган Санъатшунослик (126,3%) ҳамда Иқтисодиёт ва туризм (110,9%) факультетлари эътироф этилсин. Мактабгача ва бошланғич таълим ( 25,7%) ҳамда Тарих ва маданий мерос (9,5%) факультетларида режа кўрсаткичларининг бажарилиш кўрсаткичлари қониқарсизлиги қайд этилсин.

**10.** Ушбу қарорнинг ижро назорати илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор О.С. Қаҳҳоров зиммасига юклатилсин.

## IV. Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар йўналиши бўйича:

**4. 2021 йил давомида университетда амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар бўйича ахборот**

**Эшитилди: А.М. Кадиров** (Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор) кенгаш аъзоларига 2021 йил давомида университетда амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар бўйича ахборот берди

Жорий йил давомида Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, факультетлар ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг кўламли ғоявий-мафкуравий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-маърифий характерга эга бўлган тадбирлар амалга оширилиб келинди. Бунда маънавий-маърифий тадбирларнинг суҳбат, учрашув, маъруза, семинар, конференция, кўрик-танлов, мусобақа, баҳс-мунозара ва диспут каби асосий шаклларидан самарали фойдаланилди.

2021 йил давомида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида Ватанпарварлик тарбияси бўйича **20** та (**130** нафар профессор-ўқитувчи ва **3200** нафар талаба-ёшлар иштирокида), Ахлоқий тарбияга оид **8** та (**360** нафар профессор-ўқитувчи ва **2800** нафар талаба-ёшлар иштирокида), Фуқаролик позициясини шакллантириш ва ҳуқуқий тарбия бўйича **15 та** (**210** нафар профессор-ўқитувчи ва 2**870** нафар талаба-ёшлар иштирокида), Спорт йўналиши бўйича **30** та (**1200** нафар талаба иштирокида), Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш бўйича **10 та** (**110** нафар профессор-ўқитувчи ва **1580** нафар талаба-ёшлар иштирокида) учрашув ва давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган.

Университетда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ҳамда мавсумий чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида университетда **“Ойлик йўл харитаси”** шакллантирилган. Йўл харита асосида ой давомида амалга ошириладиган ишлар белгиланиб ижроси ой якунида муҳокама қилинган. Йўл харита асосида факультетлар томонидан амалга оширилган тадбирларни асословчи барча меёрий ҳужжатлар бўлимда жамланган. Бундан ташқари Талабалар турар жойида маънавий-маърифий ишларни тизимли амалга ошриш мақсадида **“Кафедра кунлари”** ташкил этилган. **“Кафедра кунлари”** тақсимот режасига мувофиқ ҳар бир кафедра томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар доирасида 5 та ташаббусга алоҳида эътибор қаратилган. **“Ойлик йўл харитаси”**, **“Кафедра кунлари”, “5 ташаббус куни”** (Талабалар турар жойида ҳар ҳафтанинг жума куни) доирасида амалга оширилган тадбирлар университет расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларидаги каналларида кенг ёритилган.

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими томонидан 2021 йили давомида педагог-ходим ва талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида факультетлар ва кафедралар кесимида амалга ошириладиган тадбирлар режаси ҳамда Бухоро вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази билан ҳамкорликда **“Биз ОИТСга қаршимиз!”** мавзусида ўтказиладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва талаба-ёшлар ҳамда ишчи ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИВ/ОИТСни олдини олиш, Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўқув йили давомида 188та **“ОИТС-аср вабоси”, “Гиёҳвандлик аср вабоси”, “Соғлом турмуш -**

**фаровон ҳаёт", "Гиёҳвандликка қарши курашиш ҳаммамизнинг бурчимиз", "Биз - соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Бу иллат балосидан огоҳ бўлинг", "Гиёҳвандликдан сақланинг" ва "ОИСТ инфекцияси ҳақида тушунча, унинг юқиш йўллари ва профильактикаси", "Эрта турмушга чиқишнинг салбий оқибатлари"** мавзуларда тадбирлар белгиланган ва режа асосида амалга оширилиб келинмоқда. 2021 йил сентябрь ойидан ҳозирги кунга қадар 50 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

**Терроризм ва диний экстремизм, миссионерлик ва прозелитизмга қарши кураш борасида вилоят ҳуқуқ тартибот органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда:**

2021 йил давомида университетда ҳуқуқбузарликлар профильактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш кунини ўтказиш бўйича ҳар ҳафта факультетлар кесимида учрашувлар режа-жадвали ишлаб чиқилди режа жадвалга асосан мутасадди ходимлар иштирокида давра суҳбатлари, тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар вилоят Ички ишлар бошқармаси, вилоят ва шаҳар Адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда **"Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш маънавий етуклик мезони, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати"** мавзусида 2 та, "**Сайлов ҳуқуқлари** кафолатининг **асослари", "Сайлов – 2021: Келажагинг учун овоз бер!"** мавзусида 30 дан ортиқ тадбирлар, "**Коррупция-тараққиёт кушандаси**" мавзусида 13 та тадбир, **" Суитсит ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари"** мавзусида 2 та, "**Одам савдоси, чет давлатларда ноқонуний ишлашнинг салбий оқибатлари ва уни олдини олиш**" мавзуларида 9 та, "**Қонунчиликдаги янгиликлар**" га од 4 та тадбир**, "Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш замон талаби"** мавзусида 6 та тадбир, "Қўл телефон орқали хабарларни юклаш ва хавфсиз ахборотлар сайтига кириш" мавзусида 3 та тадбир, "Алкогол, наркотик ва психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари" мавзусига оид 2 та тадбир, "Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни ва аҳамияти" 2 та тадбир ташкил этилди.

Бундан ташқари вилоят Ички ишлар бошқармаси, вилоят прокуратураси, вилоят ва шаҳар Адлия бошқармаси, вилоят ОИТСга қарши кураш марказлари билан ҳамкорликда университет миқёсида **"Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш" борасида 23 та тадбир**, **Одам савдосига қарши кураш борасида 26 та тадбир**, **Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш бўйича 10 та, Коррупцияга қарши курашиш борасида 32 тадбир, 4 та миссионерлик бўйича, 6 та прозелитизм бўйича, 4 та "оммавий маданият"га** қарши кураш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар амалга оширилди. Ушбу тадбирлар вилоят радиокомпаниясида ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини мазмун-моҳияти ва аҳамиятини талаба-ёшлар ва педагог ходимлар орасида тушунтириш бўйича тарғибот тадбирлари амалга оширилиб, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти университетнинг **@бухду_5ташаббус - расмий каналида** ёритиб борилмоқда.

**2021 yilda Tanlovlarda Buxoro davlat universiteti talabalarining ishtiroki to'g'risida taxliliy MA'LUMOT**

| t/r | Universitet miqyosida | | Viloyat miqyosida | | Respublika miqyosida | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ishtirokchilar | g'oliblar | ishtirokchilar | g'oliblar | ishtirokchilar | g'oliblar |
| 1 | 1593 | 22 | 12 | 6 | 40 | 2 |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги **"Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**"ги 605-сон қарори ижроси юзасида ижарада истиқомат қиладиган ва ижара шартномасини расмийлаштирган талабаларга ижара шартномасининг **50 фоизини** тўлаб берилган.

**ИЖАРА ШАРТНОМАСИНИНГ 50 ФОИЗИНИ ТЎЛАБ БЕРИШ ҲОЛАТИ**

| 2021 йил май-июнь ойлари учун | | 2021 йил сентябрь-октябрь ойлари учун | | 2021 йил ноябрь ойи учун | | 2021 йил декабрь ойи учун | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Талаба сони** | **Суммаси** | **Талаба сони** | **Суммаси** | **Талаба сони** | **Суммаси** | **Талаба сони** | **Суммаси** |
| 62 | 15190000 сўм | 63 | 13 118 440 сўм | 154 | 19656000 сўм | 220 | 28 174 100 сўм |

## ТАЛАБАЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

| Т/р | ОТМлар номи | Ташрифи уюштирилган талабалар сони | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Музейларга** (21.01.2021 йилдан 24.06.2021 йилгача) | | **Театрларга** (28.01.2021 йилдан 24.06.2021 йилгача) | | **Кинотеатрларга** (25.01.2021 йилдан 24.06.2021 йилгача) | |
| | | Режада | амалда | режада | амалда | режада | амалда |
| **3** | **Бухоро давлат университети (ЖАМИ)** | 9200 | **6730** | 7200 | **6222** | 10 000 | **6196** |

Айниқса, “Ректор ва ёшлар” учрашувларида талабаларнинг муаммолари билан бир вақтда уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси юзасидан ҳам давра суҳбатлари ўтказилган. Ўтказилган давра суҳбатлари БухДУ расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги канал ва саҳифаларида кенг ёритилган.

“5 та муҳим ташаббус” доирасида Бухоро давлат университетида биринчи ташаббус бўйича **430 та**, иккинчи ташаббус бўйича **478 та**, учинчи ташаббус бўйича **327 та**, тўртинчи ташаббус бўйича **624 та**, бешинчи ташаббус бўйича **201 та** тадбир амалга оширилди. Ушбу тадбирларга биринчи ташаббус бўйича **5024 нафар**, иккинчи ташаббус бўйича **5146 нафар**, учинчи ташаббус бўйича **3273 нафар**, тўртинчи ташаббус бўйича **6342 нафар**, бешинчи ташаббус бўйича **2696 нафар** талаба жалб этилди. “5 та муҳим ташаббус” доирасида талаба-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида университетда Телеграм ижтимоий тармоғида **“БухДУ Беш ташаббус”** расмий канали ташкил этилиб, унда **“Китобхон талаба”, “Заковат тиме”, “Спортчи талаба”, “Адиблар ҳаётини ўрганиш”, шунингдек, янги форматда овозли “ИСТЕЪДОДИНГ НАМОЁН ЭТ”** каби лойиҳалар фаолият олиб бормоқда.

Университетда ҳозирги кунда 134 та тўгарак фаолият олиб бормоқда. Жумладан, фан тўгараклари 92 та, Маънавий – маърифий йўналишдаги тўгараклар -13та, Спорт тўгараклари -17та, Ҳунармандчилик ва бошқа тўгараклар – 12 тани ташкил қилади.

Кинофильмлар намойиш қилиш мақсадида **“Республика кинопрокат маркази” ДУК Бухоро вилояти филиали** билан шартнома тузилган. Кинофильмлар намойиши университет катта залида ва 3 та факультет залларида ташкил этилган. 2021 йил 3 апрелъ ҳолатида **4350 нафар** талабаларга қуйидаги кинофильмлар намойиш этилган: **“Ибрат”, “Сабот”, “Авлоний”, “Илҳақ”, “Тенгиз”, “Исломхўжа” ва “Оппоқ қор”.**

**Бухоро вилояти мусиқали драма театри** билан шартнома тузилган бўлиб, театр томошалари вилоят мусиқали драма театрида амалга оширилмоқда. 2021 йил 3 апрелъ ҳолатида **5900 нафар** талаба театрга борган ва уларга қуйидаги спектакллар намойиш этилган: **“Имом Бухорий”, “Кўзингни оч, азизам”, “Бурч”, “Разолат қурбонлари”** ва **“Хорижлик келин ёхуд Бухороча тўй қиламан”**.

Талабаларнинг жамоа бўлиб музейларга ташрифини ташкил этиш мақсадида **Бухоро давлат музей-қўриқхонаси** билан шартнома тузилган бўлиб, музей-қўриқхона таркибига кирадиган **10 та** музейларга саёҳатлар ташкил этилмоқда. 2021 йил 3 апрелъ ҳолатида **4500 нафар** талаба қуйидаги музейларга ташриф буюришди. **“Арк”** вилоят ўлкашунослик музейи, **“Ситораи Моҳи-Хосса”** музейи, **Тасвирий санъат музейи, Файзулла Хўжаев уй-музейи, Бухоро сув таъминоти музейи, “Нақшбандия”** тариқати тарихи музейи, **“Лаби Ҳовуз”** ансамбли, **“Пойи Калон”** ансамбли ва бошқалар.

## ТАЛАБАЛАРНИ ИЧКИ ТУРИЗМГА ЖАЛБ ЭТИЛИШ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

| Самарқанд шаҳрига юборилган талабалар сони | Нуратога юборилган талабалар сони | Шаҳрисабзга шаҳрига юборилган талабалар сони |
|---|---|---|
| **126** | **196** | **101** |

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ТАЛАБАЛАР

| Ногирон талабалар сони | Темир дафтарга киритилган оила фарзанди бўлган талабалар сони | Давлат таъминотига олинган талабалар сони | Етимлар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган талабалар сони |
|---|---|---|---|
| **231** | **9** | **3** | **10** |

Ўқув семестри якуни бўйича фанларни ўзлаштираётган, алоҳида қобилият ва иқтидор эгаси бўлган, жамоат ишларида фаол, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож давлат гранти ва тўлов-контракт асосида таълим олаётган барча талабалар белгиланган стипендияларга нисбатан қўшимча равишда жамғарма маблағлари ҳисобига 50 фоизгача миқдорда **231 нафар талабага 148 630 млн сўм** моддий ёрдам ва рағбатлантириш амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 585-сон қарори асосида университетда тахсил олаётган **ота-онасини ёки уларнинг биридан айрилган ва боқувчисини йўқотган аёллар тоифасига кирувчи етти нафар талабага биринчи ўкув йили учун жами 45 567 600 (Қирқ беш миллион беш юз олтмиш етти минг олти юз) сўм** шартнома тўловлари университетнинг тўлов контракт маблағлари ҳисобидан тўлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-521 сонли қарориди белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Бухоро давлат университетида тахсил олувчи 10 нафар етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш харажатлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан 1**3 500 000 (ўн уч миллион беш юз минг) сўм** субсидиялар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6260-сонли қарориди белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Бухоро давлат университетида тахсил олувчи 9 нафар **"Темир дафтар"га** киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига 2021/2022 ўқув йилида **биринчи ўқув йили учун 63 148 130 (олтмиш уч миллион бир юз қирқ саккиз минг бир юз ўттиз) сўмлик тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси бюджет** маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги "Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабалар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи қоплаб бериш мақсадида жорий йилнинг сентябрь ойида **62 нафар талабага 15 190 000 сўм, октябрь ойида 63 нафар талабага 13 118 440 сўм, ноябрь ойида 154 нафар талабага 19 656 000 сўм** маблағ тўланган.

## ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

| **Жами ТТЖлар** | **Фойдаланилаётган ТТЖлар бўйича** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Хозирги кунда фойдаланилаётган ТТЖлар сони** | **Жами сиғими** *(Паспорт бўйича нечта ўринга мўлжаллангалиги)* | **Жами хоналар сони** | **Мақсадли хоналар** (*АРМ, 5 ташаббус, дам олиш ва х.к)* | **Шундан 2 қаватли кроватлар ўрнатилган хоналар сони** *(2021-2022 ў.й)* | ***Амалдаги ўринлар сони*** *(20.12.2021 йил ҳолатига)* | **Қўшимча яратилган ўринлар сони** *(2021-2022 ў.й)* |
| 7 | 2048 | 759 | 28 | 626 | 2048 | 456 |

Талабалар турар жойида маънавий-маърифий ишларни тизимли амалга ошриш мақсадида **“Кафедра кунлари”** ташкил этилган. **“Кафедра кунлари”** тақсимот режасига мувофиқ ҳар бир кафедра томонидан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу вазифалар доирасида 5 та ташаббусга алоҳида эътибор қаратилган. **“Ойлик йўл харитаси”**, **“Кафедра кунлари”, “5 ташаббус куни”** (Талабалар турар жойида ҳар ҳафтанинг жума куни) доирасида амалга оширилган тадбирлар университет расмий веб-сайтида ва ижтимоий тармоқларидаги каналларида кенг ёритилган.

Бундан ташқари ҳар ҳафтанинг жума куни ТТЖда **“Беш ташаббус куни”** этиб белгиланган. Мазкур кунларда ТТЖда факультетлар кесимида амалга ошириладиган ишлар белгиланган бўлиб, улар томонидан ТТЖ да ташкил этилган **“Беш ташаббус маркази”**дан унумли фойдаланилмоқда.

БухДУ Талабалар турар жойи ҳамда ТТЖга жойлаштириш Низомлари мавжуд бўлиб, мазкур Низомга мувофиқ талабалар жойлаштирилган. ТТЖга жойлаштиришда биринчи навбатда хорижлик ва узоқ вилоятдан келиб таҳсил олаётган, ногирон, етим, отаси ёки онаси йўқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар жойлаштирилган.

БухДУда **231 нафар ногиронлар** таҳсил олмоқда. Шундан **103 нафари** ТТЖ эҳтиёжи борлигини билдирган ва 1-бино 1-қаватида **48 нафар**, 2-бинода **11 нафар**, 3-бинода **4 нафар**, 4-бинода **13 нафар**, 5 бинода **4 нафар**, 6-бинода **13 нафар**, 7-бинода **10 нафар** талаба жойлаштирилган. Белгиланган тартибга мувофиқ ногиронлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бухоро давлат университетида 1 та талабанинг 2021/2022 ўқув йилида ТТЖда истиқомат қилиш харажатлари бўйича ишлаб чиқилган калькуляцияга асосан 2021-2022 ўқув йилида талабалар турар жойини бир ойлик тўлов суммаси 193 012 сўм белгиланган.

Ўрнатилган тартиб(*Вазирликнинг 2019 йил 1 ноябрдаги 1019-сонли ҳамда университет ректорининг 2016 йил 9 ноябрдаги 1036-сонли буйруқлари билан тасдиқланган ТТЖ тўғрисидаги Низом*)да чин етим (ота-онаси вафот этганлар), Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, Ёшлар иттифоқининг ТТЖдаги посбонлари ва 1-2-гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар талабалар турар жойи **тўловидан озод** қилинган.

Етим (ота-оналаридан бири вафот этган), ТТЖ талабалар кенгаши раиси, қават сардорлари, бир оиладан икки ва ундан ортиқ талабаси (*барчаси шартнома асосида таҳсил олган тақдирда*) борлар, “темир дафтар” рўйхати(*сектор маълумотномаси асосида*)га олинган оила фарзанди бўлганлар ҳамда 3-гуруҳ ногиронлиги бўлган талабаларга **тўловни 50% тўлаш** имкони берилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

1. 2021 йил давомида университетда амалга амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар тўғрисида масала юзасидан Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.Кадировнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Талабалар турар жойида ҳар бир кафедралар томонидан ҳар ойда бир маротаба “Кафедра куни” тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин. “Кафедра кунлари” режаларида масъул шахсларни белгилаш, тадбирларни ўтказилишини назорат қилиш кафедра мудирлари ва декан ўринбосарларига юклатилсин.

3. Талабаларнинг қизиқишлари ва талабларини инобатга олган ҳолда талабалар турар жойида тўгарак ва клублар ташкил этилсин. Тўгарак машғулотларининг сифатли ўтказилиши кафедра мудирлари ва декан ўринбосарларига юклатилсин.

4. Талабаларни дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида уларни фан, ҳунар ва спорт тўгаракларига кенг жалб этилсин, бу борада кафедра мудирлари ва тьюторларнинг масъулияти оширилсин (масъул: деканлар, декан ўринбосарлари, кафедра мудирлари, тьюторлари. Муддат: ўқув йили давомида).

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор А.Кадиров зиммасига юклатилсин.

**V. Халқаро ҳамкорлик бўйича:**

**5. Қўшма таълим дастурларига қабулнинг натижалари ҳақида**

**Эшитилди: О.Х. Рахимов** (Қўшма дастурлар бўлими бошлиғи) Бухоро давлат университети Хорижий ОТМлар билан ҳамкорликдаги қўшма таълим дастурларига 2021/2022 ўқув йилига қабул кўрсаткичлари бўйича ҳисобот берди.

2021/2022 ўқув йилида қўшма дастурларнинг 3 та бакалавр (КФУ билан ҳамкорликдаги Иқтисодиёт, ҲИТ билан ҳамкорликдаги Информатика ва ахборот технологиялари, ҳамда Амалий математика) 7 та магистратура (КФУ билан ҳамкорликдаги Иқтисодиёт, Инсон ресурсларини бошқариш, Лингвисика: Рус тили, Географфия, ММФИ билан ҳамкорликдаги Иқтисодий хавфсизлик, Гунадарма билан ҳамкорликдаги Рақамли туризм, София университети билан ҳамкорликдаги Хорижий тил ва адабиёт: Инглиз тили )дастурига жами 190 квота ажратилди. Ушбу дастурарга 96 нафар бакалавр ва 107 нафар магистратура йўналишлари учун абитуриентлар ҳужжат топширди. Шундан, 60 нафари (27 та бакалавриат, 43 та магистратура) 2 босқичли имтиҳонларда саралаб олиниб талабаликка тавсия этилди.
Қўшма дастурларга имтиҳонлар икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич ҳамкор ОТМ томонидан, биринчи босқичдан саралаб олинган абитуриентлар иккинчи босқич Давлат тест маркази томонидан олинган хорижий тил бўйича тест жараёнларига киритилди.
Бундан ташқари Франциянинг Вател олий мактаби франшизаси асосида Менежмент (Меҳмонхона бошқаруви) бакалавриат дастурига 12 нафар абитуриентлар талабаликка тавсия этилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан **Кенгаш қарор қилади:**

**1.** Қўшма таълим дастур бўлими бошлиғи О.Ҳ. Рахимов ҳисоботи ижро учун қабул қилинсин.
**2.** Қабул параметрлари белгилаш кўрсаткичларга этмаганлиги таъкидлаб ўтилсин.
